



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

# TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



**THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

An international scientific and practical online conference on the topic  
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
TEACHING FOREIGN LANGUAGES  
(TSUL ICON - FLT)**

**Foreign languages department**

**Tashkent – 2021**

## КОННОТАТИВ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ КЎЧИМ АСОСЛИ МЕТАФОРЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

*Ахмедов Ҳасан, ЎзДЖТУ магистранти*

*Умиров Ихтиёр Эргашевич, ф.ф.н., доцент*

*ЎзДЖТУ (Тошкент)*

**DOI 10.5281/zenodo.4963146**

**Аннотация:** Мақолада коннотатив маъно кўчимлар асосида очиб берилади. Айниқса, метафора коннотатив компонент учун энг муҳим аҳамият касб этиши ва бу воқелик асосида субъектив баҳонинг даражаланиш имконияти кенглиги яққол мисоллар асосида тушунтирилади.

**Калим сўзлар:** *эмоционал-баҳолаш, метафора, лисоний коллектив, коннотатив компонент, антонимик характер.*

Метафоралар эмоционал-баҳоловчи номинациялар ташкил қилишда универсал лисоний восита сифатида жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини тортган қизиқарли мавзудир (Вольф Е.М.(1979,1985), Лукянова Н.А.(1976,1979), Ретунская М.С.(1987). Стернин И.А (1979,1985), Телия В.Н. (1981,1986,1991) ва б).

Метафораларда нафақат баҳолаш, балки ҳис-ҳаяжон, қаҳр-ғазаб, нафрат, жирканиш, бефарқлик, назар-писанд қилмаслик сингари салбий ва аксинча хурмат-иззат, хайрат, қувонч каби ижобий коннотатив компонентлар, шунингдек эмоционал бўёқдорлик иштирок этиб, улар мулоқот жараёнида фикрни экспрессив ифодалаш воситаси сифатида ҳам қўлланилади. (Вольф,1985:170).

Метафорадаги баҳоловчи коннотация лисоний коллектив тасавурида объектни «яхши-ямон» диапозонида идрок қилинишига ёрдам беради. Умуман «яхши» ва «ёмон» критериясига кирувчи баҳоловчи метафоралар ёрдамида гапирувчининг (муаллифнинг), лисоний коллективнинг, ёки умуминсониятнинг у ёки бу даражадаги мулоқот эҳтиёжлари қондирилади. Бу эҳтиёжлар эстетик, ахлоқий-этик, ижтимоий характерда бўлиб, инсоният

онгида шаклланган эстетик ва ахлоқий нормаларга мос келувчи ёки зид келувчи камчиликлар, нуқсонлар, тушунчаларни ифодаланади. (Салеев: 1995: 12). Баҳолашнинг антонимик характерда бўлишлиги идрок қилинаётган лисоний birlikларнинг интуитив равишда ижобий ва салбий муносабат билдиришга асосланишига боғлиқ.

Метафорик коннотациядаги баҳоловчи белгилар лисоний муҳитда шаклланган лисоний меъёрлар билан белгиланади ва баҳоловчи муносабат мулоқот жараёнида ёшга, касбга, диний этиқодга доир тушунчаларни ҳам камраб олади. Шу нуқтаи назардан уларни метафоранинг коммуникатив вазиятга кўра аниқланадиган кўчирма маънода ифодаланадиган коннотатив компонентлари дея талқин қилиш мумкин (Телия, 1991:121). Бундай ҳолда эмоционал баҳолаш лексик birlikнинг семантик белгилари образлари орқали идрок қилинади.

Айрим ҳолларда денотатив маъно ифодаляйдиган номинатив birlikлар бошқа сўзлар билан бирикиб, коннотатив баҳоловчи компонентларга эга бўладилар. Масалан, «сут», «қор», «қоғоз» каби лексик birlikлар денотатив маъносидан ташқари рангни ифодаловчи «оқ» маъносига ҳам эга ва улар бошқа лексик birlikлар билан бирикиб, «оқ» маъносини йўқотганлари ҳолда кўшимча, образли ижобий ёки салбий баҳоловчи маъноларга ҳам эга бўлади. Масалан:

**Crabby man-** жиззаки одам,

**Negro** – негр, хабаш, қора одам.

**Elder journalist** – кекса журналист.

Бундай ҳолатни айнан «оқ» сифатининг феъллар билан бирикиви орқали ясалган салбий маъноли метафораларда ҳам кўришимиз мумкин:

**Thirst-** ташналикдан қийналмоқ;

**Hesitate**– иккиланмоқ, бирор қарорга келолмаслик;

**Forget something suddenly** – тўсатдан ниманидир унутиб қуймоқ.

Бундай коннотацияларни умуминсоний, миллий, ижтимоий, касбий соҳаларга кўра классификация қилиш мумкин. (Лукьянова 1979: 37).

Ассоциатив кўчирма маънодаги метафоралар миллий характерга эга бўлишлари мумкин.. Масалан, ўзбек тилида «кўл» нейтрал маъноли номинатив бирлик билан бирикиб ясалган, турли мулоқот вазиятларида кўлланиладиган метафоралардаги ижобий, салбий ва нейтрал баҳоловчи коннотацияларга эътибор берайлик:

Ижобий баҳоловчи коннотацияли метафоралар:

*қўли узун* - бирор ишни бажаришда қурби етмоқ, маблагини кўп(оз) бўлмоқ;

*қўлини сўрамоқ*- келинликка розилик сўрамоқ

*қўли ширин* - маҳоратли ошпаз

Салбий баҳоловчи коннотацияли метафоралар

*қўли калта*- бирор ишни уддасидан чиқаолмаслик, муҳтожлик;

*қўли эгри* - ўғри, ноинсоф

*қўлнинг кири* - тез сарфланадиган маблағ

*қўли оғир* –уқувсиз,

*қўлини совуқ сувга урмаслик* – иш ёқмаслик, дангасалик

Нейтрал баҳоловчи коннотацияли метафоралар:

*қўл етмас* – қурби етмаслик, иложсиз;

*қўл олмоқ*- қўл бериб кўришмоқ, шогирд(мурид) бўлмоқ, келишмоқ;

*қўли қичимоқ*- бирор ишни бажаришга чанқоқлик, эҳтиёж

Метафораларда асос сўз функциясини бажарувчи компонентлар турли тилларда турлича баҳоловчи компонентларга эга бўлиши мумкин. Масалан, рус ва ўзбек тилларида «**айиқ**» сўзи асосида «бесунақайлик» коннотатив баҳоловчи маъноси ётса, француз тилида бу сўз билан ясалган метафораларда кўполлик, тарбиясизлик коннотатив маънолари ифодаланади: **rude man**– кўпол, тарбиясиз одам, - **as rude a bear** айиқдек кўпол.

Ассоциатив метафоралар ҳайвон ва жониворлар номи билан ясалганида умуминсоний салбий баҳоловчи характерда бўлишлиги билан қизиқарлидир. Масалан, одатда **ит** ҳақида гапирилганида, барча тилларда «қопоғонлик», **товуқ** – «хафсаласиз», **бўри** – «оч, ёвуз», **эшак** - «қайсар», «овсар» сингари коннотатив маънолар англанади. Бундай умуминсоний характердаги метафораларни ижобий баҳоловчи номинацияларда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, барча тилларда «**олтин**» сўзининг- «қимматбаҳо», «**океан**» сўзининг – «бепаён» сингари коннотатив компонентлари мавжуд (Стернин, 1985: 170).

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Актуальные направления современной лингвистики: Тезисы конференции молодых научных сотрудников и аспирантов / В.Н. Телия. – М., 1989.
2. Вольф Е.М. Варьирование в оценочных структурах // Семантическое и формальное варьирование. – М., 1979. – с.273-294.
3. Лукьянова Н.А. О семантике и типах экспрессивных лексических единиц // Актуальные проблемы лексикологии. – Новосибирск, 1979. – С. 21.
4. Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – В., 1979.
5. Ретунская М.С. Условия формирования оценочных номинаций в процессе коммуникации // Вестник университета. – Харьков, 1987. – с. 37-41.